

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 138 (394), 2021 йил 8 июль, пайшанба



УЗУМЧИЛИКДАГИ ИМКОНИАТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июль куни узум етиштириш, уни sanoat усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда энотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда азалдан узумчилик аънанеси бўлгани, уни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлади. — Узумчилик бу — халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти, қадрияти, ғурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғлиқ кетган. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган. Хусайни, тойфи, ризамат ота, келинбармоқ ва кишиши каби узумларимизнинг доруғи узок-узокларгача танилган, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Бу тармоқда 900 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд.

Сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги тоқзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидиялар ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди.

Лекин бугунги бозор талабини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада бундан-да катта имкониятлар бор. Хусусан, жаҳон бозоридида хўраки узум савдоси мевалар ичида учинчи ўринда бўлиб, ҳар йили унга бўлган талаб ўртача 350 миллион долларга ўсмоқда.

Бундай узум бўйича Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини келгуси тўрт йилда камиди 600 миллион долларга, майиз бўйича 500 миллион доллар ва табиий винода 100 миллион долларга етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Узумчиликнинг иқтисодий самардорлиги ҳам, ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Масалан, 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилга 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, узум данадан олиннадиган ёғ ҳам жаҳон бозоридида юқори баҳоланади.

Яна бир муҳим жиҳати, 1 гектар галла майдонидида 2 киши ишлаб, кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда, айниқса, шпалер усулида 10 нафаргача

аҳолини иш билан таъминлаб, 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ўртача 25 минг долларлик экспорт қилиш мумкин.

Шу каби таҳлиллар бу соҳага катта эътибор қаратиш, кўплаб масалаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Афсуски, айрим ҳудудларда йирик тоқзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайган. Тармоқда селекция ишлари деярли йўқ, халигача 40-50 йил аввал яратилган узум навлари экиб келинмоқда. Тоқзорларни янгилашни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмаган. Кўчат етиштириш илмига ва технологиясига амал қилинмайди, кўчат касалликлари билан олимлар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам шуғулланмайди. Шу боис, ҳосилдорлик ҳам пасайиб, касаллик эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Тоқзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парваришланмоқда.

Маҳаллий узумларимиз ҳосилдорлиги Осиевнинг бошқа давлатларига нисбатан 1,5-2 бараварга кам. Қолаверса, юртимизда етиштирилмаган узумлар аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозоридида данаксиз узумга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда.

Узумни қайта ишлаш ҳам замон талаби даражасида эмас. Табиий винонинг умумий спиртли ичимликлар истеъмолидаги улуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил этади.

Энотуризм, яъни вино туризми ҳам тармоқ сифатида ривожланмаган. Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида турттагина туристик узум плантациялари ташкил этилган, ҳолос.

Шу боис, йиғилишда узумчиликни кенг қўламда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Авалло, тоғолди туманларида йирик узумчилик плантацияларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Мисол учун, ўтган йили Олтиариқ туманида галла майдонлари қисқартирилиб, 2 минг гектар ерда йирик узумзорлар барпо этилган эди. Уларда тумандаги 5 минг нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди.

Энг асосий, бунинг эвазига қўшимча 60 минг тонна узум етиштирилиб, унинг экспорти кейинги йилда

қарийб 100 миллион долларга, тўлиқ ҳосилга киргандан кейин эса йилга 200 миллион долларга етади.

Шунингдек, Фориш, Ғаллаорол, Янгиобод, Чироқчи, Пайариқ, Қўшработ туманларида ҳам янги тоқзорлар барпо этилган.

Шундай тажриба асосида Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги 44 та туманда янги экспортбон узум плантациялари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу плантацияларга қўйиш инфратузилмасини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида узумчиликни ривожлантириш, кўчат билан таъминлаш ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича Лойиҳа офислари ташкил этилиши белгиланди.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа илмий муассасаларнинг ерларида сертификатланган узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди. Тоқзорлар барпо этиш ва эскиларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарига 10 миллион сўмдан субсидия берилди.

Узумзорлар ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс ажратилди.

Мева-сабзавотлар тўқинлигида аҳоли томорқалари ҳам катта манба. Мисол учун, Булоқбоши туманидаги хонадонларда 5 минг тонна узум етиштирилиб, 15 миллиард сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Президентимиз бу тажрибани барча ҳудудларда оммалаштириб, томорқа четларида, йўл бўйларида узум етиштириш аънанесини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда соҳага илм ва инновацияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Инновацион ривожланиш вазирлигига хорижий тажриба асосида узумнинг ҳосилдор, данаксиз, совуққа ва касалликларга чидамли янги навларини яратиш бўйича топшириқ берилди.

ЎЗА

БУНЁДҚОРЛИК

ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР



2021 йил мамлакатимиз темирйўлчилари учун бунёдқорлик ишларига бой бўлмоқда. Айни пайтда соҳа ходимлари томонидан Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Давлатимиз раҳбари шу йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Андижон шаҳрининг Бобур кўчасида қуриладиган йўл ўтказиш лойиҳаси билан ҳам танишди. Бу ишоот Самарқанд тажрибаси асосида, монолит услубда қурилиши режалаштирилган. У Андижон темир йўл вокзали устидан ўтади ва шаҳарнинг икки қисмини боғлайди.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ЁШЛАР СИЁСАТИ

КЕЛАЖАГИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН БЕҚИЁС КУЧ

Юртимизда ёшларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллиги ҳамда ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида парламентимизнинг иккала палатаси томонидан салмоқли ишлар бажарилмоқда.



Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилгани ва ушбу комиссия фаолиятига ёш депутатлар жалб қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш ҳамда уларни жамиятдаги сиёсий фаол қатламга айлантириш мақсадида Олий Мажлис палаталари хузурида Ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Қайд этиш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнида ёшлар, хусусан, Ёшлар парламенти аъзолари иштирокини янада фаоллаштириш ҳамда қонунларни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини улар билан биргаликда муҳокама қилиш тизимини йўлга қўйиш комиссиянинг доимий эътиборида бўлди. Шу мақсадда ўтган даврда комиссия ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида кодекс ва бир қанча қонунлар муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Давоми 2-бетда

БАҒРИКЕНГЛИК

ҚАРИЙБ ЧОРАК АСРДА АТИГИ 359 НАФАР, СЎНГГИ 4 ЙИЛДА ЭСА 4955 НАФАР МАҲКУМ АФВ ЭТИЛДИ

Замонавий Ўзбекистон ҳудудида қадимдан турли миллат, элат ва конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, диний ибодат ва расм-русумларини эмин-эркин бажариб келган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда жамиятимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар ҳаётимизни янгича маъно-мазмун билан бойитмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган ва бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, диний бағрикенглик, эътиқод эркинлигини таъминлаш борасидаги эзгу

ишлар халқимиз ҳаётида туб ўзгариш ясаши баробарида, халқроқ миқёсда ҳам муносиб эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун минтақа ва дунёдаги

диний вазият, халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданий аънасалари инobatта олинган ҳолда ишлаб чиқилгани билан аҳамиятли. Шу билан бирга, халқроқ меъёрлар талаблари, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг умумий тартибдаги шарҳлари инobatта олинган.

Давоми 2-бетда

АҲОЛИ БАНДЛИГИ



ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Ҳовлисидидаги кичик ердан самарали фойдаланиб, йил давомида бир неча марта ҳосил олаётган оиланинг дастурхони доимо тўқин, турмуши фаровон бўлади. Миришкор оилаларда томорқанинг ҳар қаричи ҳисобда. Ахир, бугунги кунда томорқа нафақат хонадон аъзоларининг эҳтиёжларини қондиради, шунингдек, қўшимча даромад манбаига ҳам айланади.

Қишлоқда яшовчилар аксарияти оила эҳтиёжи учун зарур қундалиқ озиқ-овқатнинг бир қисмини бўлса-да, ўз томорқасида етиштиришнинг ҳадисини олган. Бугунги кунда ана шу аъна янада такомиллашиб, замонавий кўринишда кенгайиб борапти. Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан йиллар давомида қаровсиз қолдирилган томорқаларга ҳам қайтадан “жон киргандек” бўлди. Ҳудудларда хонадонлардаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилиб, ушбу йўналишнинг аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ одамларининг бандлиги ҳамда

“Томорқа хизмати” — аҳолига қўмакчи

Янгийўл тумани Ниёзбоши массиви аҳолиси томорқачиликда катта тажрибага эга. Кўчат етиштиришда ном чиқарган бу ҳудуд 9 та маҳалладан иборат. Бу ерлик одамлар уйда бир қарич ери бўлса ҳам бирор экин экиб, рўзғорига ишлатади.

Давоми 4-бетда

ИЛМ-ФАН

ГЕОЛОГИЯ: ИСТИҚБОЛ ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

5

Бунёдкорлик



ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР

Бошланғичи 1-бетда

Президентимиз лойиҳани маъқуллаб, тегишли маблаг ажратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мутахассислари кўприк қуриш соҳасида катта тажрибага эга. Тизимга замонавий техника ва технологиялар жалб қилиниши натижасида сўнгги пайтларда юртимизда монолит усулда кўприк бунёд этиш ҳам яхши ўзлаштирилди. Айни кунда М-39 автомобиль йўлининг Самарқанд шаҳридан ўтган

белгиланган. Шунингдек, ушбу масофада 4 та автомобиль йўл ўтказгичи, 9 та кўприк ва 3 та темир йўл вокзали, 3 та техник хизмат кўрсатиш бино ва иншоотлари барпо этилади. Бугунги кунда йўлсозлар томонидан ерларни ҳозирлаш ишлари жадал олиб бориляпти ва 5 километрга рельслар ётқизилди. 20,2 километрдан иборат Шовот — Гурлан перегонининг 2,1 километрида ҳам шундай ишлар амалга оширилди.

Кўйбоқли — Қипчоқ перегонига ула-

12 мингдан кўпроқ темир-бетон устун ўрнатиш ва контакт тармоғини монтаж қилиш ишларини бажариш зарур бўлади. Электрлаштиришни боқичма-боқич бажараётган 400 нафарга яқин мутахассис 160 га яқин махсус темир йўл ва қурилиш техникасидан фойдаланмоқда. “Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш” лойиҳаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига бажарилмоқда. Мазкур йўлни электрлаштириш икки йўналишда, яъни Бухоро ҳамда Хоразм худудларида олиб борилмоқда.

“Навоий — Бухоро участкасида электрлаштирилган иккинчи юқори тезликдаги темир йўл қурилиши” ҳам темир йўл тизимидаги муҳим лойиҳалардан бири. Бугунги

1083 километридаги янги йўл ўтказгич жамиятга қарашли “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси томонидан барпо этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида қуриладиган йўл ўтказгич ҳам шаҳар фаровонлигини таъминлашга, аҳоли учун қулай транспорт тизимини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Лойиҳага кўра, мазкур йўл ўтказгичнинг умумий узунлиги 696 метр, шундан 411 метри кўприк, 285 метри чиқиш-тушиш йўлларида иборат бўлади. Йўл ўтказгич эни 25 метр бўлиб, 4 тасмалидир. Уни 2022-2023 йиллар давомида қуриш режалаштирилмоқда. Кўприк қурилиши натижасида масофа 5 километрга қисқариб, 1 йилда 292 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари иқтисод қилинади. Юк-йўловчи ташвиш вақти 25 фоиз қисқаради, атмосферага 4 тоннагача захарли модда ажралиб чиқишининг олди олинади.

2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилган, темирйўлчилар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини назорат қилиш, қурилиш материаллари ва замонавий техникаларнинг ўз вақтида етказилишини ҳамда ишчи-ҳодимларга зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг махсус ишчи гуруҳи тузилган. Қурилиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш ҳам унинг зиммасидаги асосий вазифалар сирасига киради.

Жорий йил 23-26 июнь кунлари ишчи гуруҳ навбатдаги сафар билан Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Дастлаб Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий ва Ислон Каримов кўчалари кесимида бунёд этилаётган ерости автомобиль йўл ўтказгичи қурилиши жараёни билан яқиндан танишилди. Лойиҳада бу йўлнинг тепа қисмида буюк саркарда Жалоловдин Мангуберди монументи қад ростлаши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳани белгиланган режа асосида пухта ва сифатли бунёд этиш бўйича масъул мутахассисларга амалий ёрдам берилди.


Айни пайтда темирйўлчилар томонидан Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи, Амударё устидан ўтайдиган 413 метрли янги темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ҳамда Қораўзақ туманидан Амударё ва Гурлан туманлари орқали Шовот туманигача узунлиги 80,2 километр бўлган темир йўл линияси қурилмоқда.

Лойиҳада дастлаб темир йўл линиясини ҳамда унинг ораллигида 2 та қуриқланадиган ва 18 та қуриқланмайдиган темир йўл кесиммасини қуриш



нувчи темир йўл линияси узунлиги 1,49 километр бўлиб, “Ўзтемирйўлқурилиш-монтаж” унитар корхонаси томонидан жами 192 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди ҳамда 1 километрга темир йўл излари ётқизилди. “1-сонли энергомонтаж поезди” унитар корхонаси ишчи-хизматчилари 150 донна темир-бетон устун ўрнатиш, ушбу йўналишдаги сим тортиш ишларини якунлади.

Бухоро — Урганч — Хива темир йўл участкасини электрлаштириш ҳам тобора жадаллашмоқда. Унинг умумий узунлиги 465,5 километр бўлиб, электр туташтирувчи тармоқнинг 8 та навбатчилик биноси, 18 та қуриқланадиган темир йўл кесиммаси, 27 та автойўл ўтказгич ҳамда локомотив жамоаси учун дам олиш уйини қуриш, жами 14 мингдан ортиқ пойдевор,



кунда Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Қарши ҳамда Тошкент — Бухоро йўналишида юқори тезликдаги “Афросиёб” поездларининг мунтазам қатнови йўлга қўйилган. Тошкент — Самарқанд — Мароқанд участкаси икки йўналишли пўлат излардан ташкил топган бўлса, Навоий — Бухоро йўналиши бир изли темир йўл участкасидан иборат.

Шу боис, унинг 2-йўналишини қуриш тезкор ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови қулай, хавфсиз ва ишончли бўлишига замин яратади. Энг муҳими, йўловчи поездлар қатнови вақтини янада қисқартиради. Унинг узунлиги 92,3 километр бўлиб, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобига барпо этилмоқда. Ушбу участкада 3 та развезд, 1 та темир йўл ўтказгич, 12 та темир-бетон кўприк, 49 та сунъий иншоот ҳамда 3 та техник хизмат кўрсатиш биносини қуриш кўзда тутилган.

Бугунги кунга қадар Навоий — Бухоро темир йўл участкасида жами тупроқ ишларининг 60 фоиздан ортиги бажарилган ва 48 та сунъий иншоот тикланган, 4 та темир-бетон кўприк монтаж қилинган. “1-сонли энергомонтаж поезди” унитар корхонаси томонидан 10 кВ.ли электр таъминот учун 67,3 километр масофада симлар тортилди.

Халқимиз фаровонлиги, давлатимиз тараққиётига хизмат қиладиган бошқа объектларда ҳам қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Темирйўлчилар уларни ўз вақтида сифатли қуриш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Зафар МАҲАМАТОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош менежери — бош муҳандис вазифасини бажарувчи

Бағрикенглик

ҚАРИЙБ ЧОРАК АСРДА АТИГИ 359 НАФАР, СЎНГГИ 4 ЙИЛДА ЭСА 4955 НАФАР МАҲКУМ АФВ ЭТИЛДИ

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Бошланғичи 1-бетда

Янги таҳрирдаги қонун билан диний соҳага оид асосий тушунчаларга таъриф берилди ҳамда соҳанинг асосий принциплари белгиланди.

Диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинликлари кафолатлари, шу жумладан, мансабдорларнинг диний ташкилотларга нисбатан хатти-ҳаракати устидан юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, диний ташкилотни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди, электрон тизим орқали амалга оширилиши белгиланди.

Унга кўра, рўйхатдан ўтиш жараёнида маҳалла иштироки ҳамда диний ташкилотнинг ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб этиладиган ташаббускор фуқаролар сони 100 нафардан 50 нафаргача қисқартирилди. Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин бўлган асослар аниқ белгилаб қўйилди. Энг муҳими, эндиликда қонун нормаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳуқуқига эга эмас. Диний ташкилот қонун талабларини қўпол равишда бузган ҳолдагина унинг фаолияти фақат суд орқали опти ойғача тўхтатиб қўйиши мумкинлиги белгиланди.

Қонунга киритилган янги нормалардан қуриш мумкинлиги, юртимизда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлашга кенг шарт-шароит яратилмоқда. Диннинг давлатдан ажратилгани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Қонун билан давлат идоралари фақатгина жамоат тартибини сақлаш, бошқа фуқароларнинг ҳаёти,



соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш мақсадида диний соҳани тартибга солишда иштирок этиши аниқ қоидалар билан белгилаб қўйилди. Умуман олганда, қонун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан кафолатланган, диний соҳада умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларни, юртимиздаги айни диний вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистонда динлараро муносабатларни шакллантиришнинг тарихий шароитларини ўз ичига олган.

Шу ўринда, юртимизда сўнгги беш йилда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга аниқ фактлар асосида тўхталиб ўтас. Чунончи, 2016-2021 йиллар давомида юртимизда 91 та янги масжид қурилди. 2011-2015 йилларда бу рақам 15 тани ташкил этган. Ҳозир мамлакатимизда жами 2 310 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улардан 2 119 таси исломий бўлса, 191 таси бошқа турдаги диний ташкилотларга мансубдир.

Сўнгги йилларда диний таълимга эътибор янада кучайди. Ҳозирда республикамизда 15 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 13 таси Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртлири ҳисобланади. Шунингдек, юртимизда эътиқод қилиш ёки

қилмаслик, ибодатлар, диний расму-рўсуларда иштирок этиш ёки этмасликка ҳеч қандай мажбурият йўқ ва бунга асло йўл қўйилмайди.

Ўз ўрнида турли динга эътиқод қилувчи миллат вакиллари ҳам бирдек эркинлик берилмоқда. Ҳеч қандай чекловларсиз, таъйиқларсиз ўз ибодатларини адо қилиши учун зурурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Турли диний маросимларни ўтказиш вақтида иштирокчиларнинг хавфсизлиги таъминланмоқда.

Бундан ташқари, дин ва эътиқод эркинлигини суиистеъмол қилмоқчи бўлган ёвуз кучларга қарши маърифат билан курашиш, ислом динининг асл мазмун-моҳиятини тарғиб этишга кенг йўл очилди.

Дин ва эътиқод эркинлиги ҳақида гап борар экан, юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилган яна бир хайрли ишни алоҳида тилга олиш жоиздир. Яъни, дин ниқоби остидаги турли оқим ва террорчилик гуруҳларига адашиб кириб қолган, ўз қилмишига қаттиқ пушаймон бўлган юрдошларимизга қайта имконият бериш, уларни оиласи, жамиятга қайтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Президентимизнинг тегишли фармонларига мувофиқ, ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракати ва бошқа жиноятлари туфайли озодликдан маҳрум этилган шахслардан 4955 нафари афв этилди. Бу рақамларни 1991-2015 йиллардаги ҳолат билан солиштирадиган бўлсак, қарийб чорак аср давомида афв этилган маҳкумлар сони 359 нафарни ташкил этган эди.

Бу маълумотлар сўнгги йилларда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида қилинган хайрли ишларнинг бир қисми, холос. Янги таҳрирда қабул қилинган қонун юртимизда бу борада бошланган хайрли ишлар, згулик ва инсонпарварлик қадриятлари бардавом бўлишида, жамиятимизда маънавий-маърифий муҳитни янада мустаҳкамлашга муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладди.

Ёшлар сийосати

КЕЛАЖАГИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН БЕҚИЁС КУЧ



Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ёшлар масалалари бўйича
комиссия раиси

Бошланғичи 1-бетда

Масалан, “Ёшларга оид давлат сийосати тўғрисида”ги ҳамда “Волонтерлик тўғрисида”ги қонунлар ёшлар иштирокида қизғин муҳокама қилинган бўлса, Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган муҳим ташаббус — Инсон ҳуқуқлари бўйича ёшлар конвенцияси лойиҳаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи вакиллари иштирокида муҳокама этилди.

Бундан ташқари, Ёшлар парламенти аъзолари томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги, “Стартаплар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Меҳнат кодекси лойиҳалари, шунингдек, Президентимизнинг “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида”ги қарори

юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун масъул идораларга тақдим этилди.

Президентимиз Ёшлар кўнига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда маърузасида яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган таниқли сийосатчи, Парламентлараро иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгон бошлиқ расмий делегация сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этса-да, дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмаслигини, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолаганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлараро иттифоққа аъзо парламентлар 2010 йилги демократик жараёнда ёшларнинг иштироки тўғрисида қарор қабул қилган. Қарор дунёдаги энг ёш депутатлар учун асосий глобал ташкилот бўлган Ёш парламентчилар форумининг ташкил этилишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлат бошқарувида ёшларга жуда катта ишонч билдирилмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда 8 нафар ёшнинг ҳоқим ўринбосари этиб тайинлангани сўзимиз тасдиғи бўла олади. 2019 йилда ўтказилган сийловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатиликка 9 нафар йигит-қиз сайланган. Бугун парламент депутатларининг 6 фоизини ёшлар ташкил этади, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 10 фоизи ёшлардан иборат.

Айни пайтда сиёсий жараёнларга фаол йигит-қизларни кўпроқ жалб этиш, ёш депутатлар сафини кенгайтиришга заруратини сабаблари бор, албатта. Бундан мақсад, аввало, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни юксак мақсадлар сари руҳлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш шулар жумласидандир. Қолаверса, ёшлар ҳар доим жамиятнинг илгор

қатлами саналади. Уларда ҳар доим янги фикр, янги гоя ва ташаббуслар бор. Бу гоя ва ташаббусларни парламент даражасига олиб чиқиш мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қиладди. Парламент ёки маҳаллий кенгашларда ёш депутатлар сафининг кенгайиши ёшлар манфаатларига қаратилган бўлиб, уларнинг мавжуд муаммолари ечимига доир ташаббусларни кўпроқ илгари суриш имкониятини юзага келтиради.

Шу боис, Президентимиз ўз маърузасида сиёсий жараёнларга ёшларни кенг жалб этиш борасида қўллаб-қувватлаш илгари суриди. Хусусан, Парламентлараро иттифоқ кўмағида “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган эзгу ташаббусни амалга ошириш, ушбу тизим асосида сиёсий етуқ ва фаол йигит-қизларни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенг жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, ғайратли, фидоий йигит-қизлар бундан буён Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилади. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. Шунингдек, иқтисодий ёшлар орасидан янги авлод захира қадрлари — “Келажақ лидерлари”ни шакллантириш назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сийосати аниқ мақсадлар қўзғалган, боқичма-боқич комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда. Чунки мамлакатимизда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшларга юрт равнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қаралмоқда. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатининг эртанги тараққиётига хизмат қилувчи кучга айланмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Халқ манфаатларига хизмат қилмоқда



Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
“Тараққий стратегияси” маркази
ижрочи директори маслаҳатчиси

маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартибининг белгиланиши эса жаҳон стандарти ҳисобланган “тарозилар палласи” (checks and balances) тамойилининг амалдаги ифодасини таъминлади. Шу билан бирга, ҳукумат аъзолигига номзоднинг соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддат ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан депутатлар олдидан чиқиш қилиши, ҳукумат аъзосининг ўз ҳаракат дастури ижроси-ни амалга оширишига доир масалалар юзасидан ахборотини Олий Мажлис палаталари, уларнинг кўмиталарида мунтазам эшитиб бориш, вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарлари тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланиши амалиёти йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатасида давлат бошқаруви органлари мутасаддиларининг ахборотини эшитиш бўйича “ҳукумат соати”ни ўтказиб бориш анъана тусини олди. Қуйи палатада давлат бюджети, иқтисодиёт, пул-кредит сиёсати масалаларида, шунингдек, давлат бюджети ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутат ва сенаторларга профессионал, мустақил ва ҳолис ахборот-таҳлилий, экспертлик хизмати кўрсатиш мақсадида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди.

Парламент ва ижро ҳокимиятининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозими таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишдаги роли оширилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизими халқчил кўринишда йўлга қўйилди.

Республика даражасида қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимликларнинг ишгирикени таъминлаш мақсадида ҳукумат регламентига ўз-гарттириш ва қўшимчалар киритиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий дастурларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишиш тартиби жорий қилинди. Ўз навбатида, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга масъул этиб бириктирилди.

хизмати электрон шаклга ўтказилди ҳамда хизматлар сони 157 тага етди. Жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматларини экспорт-территориал тамойил бўйича, яъни фуқароларнинг яшаш ва юридик шахсларнинг почта манзилдан қатъи назар, республиканинг ҳар қандай ҳудудидан олиш имконига эга бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ислохотлар бевосита халқнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, қутилган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ эканини таъкидлаб, 2021 йилда ҳам бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилишига эътибор қаратди.

Мурожаатномада давлат бошқаруви тизимини бугунги шиддаткор замон талаблари асосида тубдан модернизация қилиш ҳамда маҳаллий бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштириш, маҳаллий ижро ва вакилик органлари ҳамда маҳалла идораларининг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича аниқ ва кенг қўламли ташаббуслар илгартирилди.

Хусусан, жорий йилда рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштириш чоралари белгиланди. Бу тадбир, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари тузилмасининг тубдан такомиллаштириш, бошқаруви идоралари ҳар бир бўғинидаги раҳбар-ҳодимларнинг ваколат чегараси аниқ белгилаб берилиши, бир-бирини тақрорловчи ва ҳозирги кунда долзарб бўлмаган давлат функциялари камайтирилишига олиб келади.

2021 йил охирига қадар эса электрон давлат хизматлари сони яна 60 тага қўлайитрилиб, жами 300 тага, массовавий хизматлар улуши эса камидан 60 фоизга етказилади. Ўз навбатида, туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита аҳоли фикр-мулоҳазалари ва маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадларига 70 миллиард сўм йўналтирилади. Ушбу чора-тадбирлар, шубҳасиз, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга масъул этиб бириктирилди.

Ҳар бир давлатнинг изчил тараққий этиши ва дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олиши давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Янги Ўзбекистон тарихидаги ўзгаришлар силсиласида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган фаол ислохотлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши этиб белгилангани ҳам бежиз эмас.

Сўнги тўрт йилдан кўпроқ вақт ичида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича тизимли сайё-ҳаракатлар айнан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган ғоянинг ҳаётий ифодасига қаратилаётди. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган эркин иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлиги учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси бўйича давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш 6 та асосий йўналишда кечмоқда.

Биринчи — ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Иккинчи — ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш.

Учинчи — иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқаруving бозор механизmlарини кенгайтириш.

Тўртинчи — вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизmlарини такомиллаштириш.

Бешинчи — давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш.

Олтинчи — профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизmlарини ўрнатилиш.

Бу борада ҳозирга қадар амалга оширилган ишларга назар ташласак, энг аввало, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ечилгани, соҳани тўлақонли тартибга солиш чоралари қўрилганига гувоҳ бўламиз.

Ўз навбатида, халқ билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларини самарали, тезкор ҳал этишнинг сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги тизими яратилди. Яъни Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тузилмалар инсон манфаатларини таъминлаш, одамларнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини аниқлаш, уларни ҳал этиш, шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлиги, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизмлари ҳамда давлат органлари, мансабдор шахсларнинг жамият олдидagi масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонига айланди.

Шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Президентнинг Виртуал қабулхонаси дастурининг қўшимча қўлайликларга эга янги версияси ишлаб чиқилди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимида биноан Қонунчилик палатаси томонидан



Давлат органлари ва ташкилотларининг очкиклиги, шаффофлиги борасида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи долзарб масалаларни “Mening fikrim” веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига олиб чиқади.

Энг асосийси, давлат хизматларини кўрсатиш тизимига инновацион ёндашув жорий этилиб, фуқароларга нисбатан бюрократик сансалорлик, сарсонгарчилик ҳолатларини тубдан ислоҳ қилишда катта қадамлар ташланди. Авваллари фуқаролар турли норасмий тўловлар, коррупция ҳолатларидан азият чеккан бўлса, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилининг камайтирилиши ҳисобига бундай муаммоларга чек қўйилмоқда. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини юритиш масъулияти юкланган алоҳида давлат органи — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига



“ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Президентнинг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, “ягона дарча” тамойили орқали нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки фуқароларга ҳам хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилда 37 турдаги, 2019 йилда 130 турдаги хизмат йўлга қўйилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 143 тага етказилди.

Шунингдек, жами 94 та давлат ташкилоти ва идораси янги яратилган “Онлайн маслаҳатчи” модулига бириктирилиб, 24 та давлат

рақийетнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш имконини беради. Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг янада кенг жорий этилиши натижасида эса инсон омили қисқариб, коррупция ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, эндиликда туман, шаҳар ва маҳалла тизими бошқарувида самарадорлигини ошириш мақсадида ҳодимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ҳамда иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Ушбу ташаббус маҳаллий бошқаруви органлари ва маҳалла идоралари ҳодимларига муносиб ва адолатли меҳнат ҳақи тўлаш механизмлари шаклланишига туртки беради. Шунингдек, ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва “ўсиш нукталари”дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бунинг учун 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфра-тузилмасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари маҳаллий кенгашлар таклифларига асосан, инфратузилма лойиҳаларини қўша молиялаштиришга йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, жойлардаги инфратузилмани модернизация қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бундан буён мутасадди раҳбарлардан аҳоли муаммоларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва уларни ҳал этиш талаб қилинади. Яъни бу йилдан бошлаб ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилот ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштирган ҳолда ташкил этмоқда. Эндиликда вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда



Парламент ва ижро ҳокимиятининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозими таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо бериладиган бўлди.

Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чорақда маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига хисобот бериши амалиёти ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолаётган асосий мезонга айланиши, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга йўналтирилиши назарда тутилган.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳукумат билан ҳамкорлиқда маҳаллий ижро ва вакилик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга киришгани эса ушбу йўналишда йиллар давомида йиғилиб қолган зиддиятли муаммоларни қонуний йўл билан бартараф этишга қаратилган муҳим чорадир.

Маҳалла идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича ишлар ҳам изчил давом этаётганини алоҳида эътироф этиш ўринли. Жумладан, маҳалла раиси ва ўринбосарлари ваколат-

ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устив фондиди (устив капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари ўз сайтларида очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини доимий равишда эълон қилиб боришлари шартлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бу омил ҳар бир давлат ташкилоти ва идораси томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назорати самарадорлигига ҳамда мутасадди раҳбарларнинг масъулияти ва халқ олдидagi хисобдорлигини оширишга хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига ҳам қўшимча вазифалар юклатилди. Хусусан, агентлик бундан буён давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очкиклигини таъминлашни мувофиқлаштириши ва доимий мониторинг олиб боради. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очкиклиги, шаффофлиги борасида жисмоний

Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017-2020 йилларда давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган 132 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 26 та қонун, Президентнинг 34 та қарори ва 38 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 34 та қарори қабул қилинди.

лари янада кенгайтирилиб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имкони яратилди. Шу мақсадда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида қурилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқи берилиб, маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш ҳамда янги имкониятларни яратиш мақсадида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди. Бу кенгаш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд хотин-қизнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, касб-хунар эгаллаши ва олий маълумот олиши, муносиб идораларда ишлаб, раҳбар лавозимларни эгаллашда муҳим роль ўйнаши табиий.

Коррупцияга қарши муросасиз кураш изчиллик касб этиб, Молия вазирлиги томонидан давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиёти ҳаётга жорий этилмоқда. Ўз навбатида, ҳокимларнинг қарор қабул қилишида очкиклик ва шаффофлигини таъминлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими яратилди. Шу билан бирга, коррупциянинг олдини олиш самарали воситаларидан бири — кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очкиклиги асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечилиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очкиқ ва ошкора танлов механизми жорий этилди.

Президентимиз яқинда имзолаган “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очкиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳам давлат бошқаруви идоралари фаолиятининг очкиклиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан долзарб аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат билан давлат

ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи долзарб масалаларни “Mening fikrim” веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига олиб чиқади. Агентлик томонидан очкиқ маълумотлар шаклида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати узлуксиз тўлдирилиб, такомиллаштириб борилади ва рўйхатни янгиллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашилади. Шу билан бирга, агентлик оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига давлат органлари фаолиятини очкиклиги, шаффофлиги ва хисобдорлиги маданиятини синдириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдида хисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиши таъкид этилди.

Умуман, давлат бошқаруви органларининг очкиклиги ва шаффофлигини амалда таъминлаш — ҳар қандай кўринишдаги коррупциянинг олдини олиши бораборида жамият ва давлат тараққийида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда турли соҳалардаги халқаро рейтинглар ва индексларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Очкилик, ўз навбатида, ҳукумат билан фуқароларнинг ўзаро ишончига асосланган ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Шу боис, кейинги вақтларда Ўзбекистон раҳбариятининг очкиклик, ошоралик, шаффофлик борасида юритаётган қатъий сиёсати нуфузли халқаро доиралар томонидан эътироф этилиб, қўлаб-қувватланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017–2020 йилларда давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган 132 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 26 та қонун, Президентимизнинг 34 та қарори ва 38 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 34 та қарори қабул қилинди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ



“Имтиёзли” иссиқхоналар

Йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг энг самарали усулларидан бири иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ҳисобланади. Юртимизда бу йўналиш сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга чиқётгани боиси ҳам шундан.

Республикамизда ер майдонларидан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида иссиқхоначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошлади. Айниқса, аҳоли томорқаларида енгил конструкцияли, кичик ҳажмдаги иссиқхоналарнинг кенг миқёсда қурилиши нафақат мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириши, балки одамларнинг қўшимча даромад олиши ва фаровонлигини таъминлашда муҳим омил экани қисқа вақтда ўз исботини топди.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, аҳоли хонадонларида иссиқхоналарни ташкил этишда ёрдам кўрсатилиб, бир қатор имтиёзлар тақдим этиляпти. Хусусан, юқорида қарор асосида сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли хонадонларида артезиан қудуқлари қазилган билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш белгиланган бўлиб, 6319 та уйда суғориш учун 1215 та вертикал суғориш қудуғи қазилди.

Тарихда биринчи марта Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғарма томонидан суғориш қудуқлари қазилган 204 нафар фуқарога 16,8 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди, — дейди Ўзбекистон Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Фахриддин Суенов. — Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди. Натижада биргина иссиқхоначилик йўналишида “Темир дафтар”га киритилган 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Эътиборлиси, ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар тегишли идоралар томонидан сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазилладиган қудуқларнинг манзилли дастурини шакллантириш ишлари давом этади.

16,8 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди, — дейди Ўзбекистон Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Фахриддин Суенов. — Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди. Натижада биргина иссиқхоначилик йўналишида “Темир дафтар”га киритилган 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Эътиборлиси, ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар тегишли идоралар томонидан сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазилладиган қудуқларнинг манзилли дастурини шакллантириш ишлари давом этади.



ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Бошланғич 1-бета

Ҳеч бир хонадон томорқасини бўш қолдирмайди. Қўп йиллик тажриба ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, асосан, кашнич, шивит сингари кўкатлар ҳамда пиёз етиштирилади. Йил давомида мавсумга мос турли экинлар алмашлаб экилади. Ниёзбошининг кўкат-пиёзлари яқини йироқда, ҳатто кўшни давлатларда ҳам харидорлиқ.

Бу борада ҳудуд аҳолисига “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг яқиндан кўмак бераётгани маҳсулотлар сотувини янада кенгайтирмоқда. Бундай корхоналар республикамизнинг барча ҳудудда ташкил этилиб, халқимизга нафақат сотув, балки агротехник тадбирларда ҳам ёрдамлашаётгани, мушкулини осон қилаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Президентимизнинг юқорида номи келтирилган қарори билан назарда тутилган имтиёзлар тўғрисида “Томорқа хизмати” МЧЖлар раҳбарларининг ҳам кўкрагига шамол теккандек бўлди. Аҳолига маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотиб олишгача бўлган жараёнда яқиндан кўмак беришни мақсад қилган бу тузилмаларнинг ўзи ҳам молиявий кўмакка эҳтиёж сезиши табиий. Шу боис, қарор асосида “Томорқа хизмати” МЧЖлар, томорқа ер эгалари ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига молиявий жиҳатдан кўмак бериш, хусусан, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кластер усулида фаолият юртакдиган “Томорқа хизмати” МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устак капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратиш ҳамда аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 20-30 тонналик кичик ҳажмли совиткичлар барпо этиш учун кредит ажратиш белгиланди.

Имкониятлар ва молиявий ёрдам қисқа вақтда ўз натижасини бера бошлади. Томорқа хизмати корхоналари фаолиятининг қўллаб-қувватланиши тўғрисида уларнинг сони икки баробар ошди, 608 тага етди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, жорий йилда аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатиш кўлами янада кенгайиб, хонадонларга сабзавот ва мевали дарахт кўчатлари, чорва, парранда, қуён, асалари уялари етказиб берилди, 61 минг гектар томорқа ерлари экишга тайёрланди. Ҳисобот даврида томорқада етиштирилган 125 миллион долларлик маҳсулот экспортини 81 та томорқа хизмати корхоналари амалга оширди. Бу борадаги экспорт курсаткич, айниқса, Оққўрғон, Бағдо, Музработ, Зангиота, Хатирчи туманларида юқори бўлмоқда.

Маҳалламизда яшовчи аҳолининг кўпчилиги ўз хонадонидан иссиқхоналар ташкил этиб, яхши даромад оляпти, — дейди Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги “Шолиқор” МФЙ раиси Назиржон Избоев. — Авваллари одамларни томорқада ишларни ташкил этиш, ҳосилни сотиш билан боғлиқ муаммолар қийнади. Бугун эса уларга шу каби масалаларда тумандаги “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари зарур маслаҳатлар бериб, керакли қўчат, минерал ўғитлар билан таъминлаб келмоқда. Ҳосилни ҳам ўзлари яхши нарҳда харид қилляпти. Маҳалла аҳли бу ишлар учун ортиқча харажат қилмай, овозгарчиликлардан қутулгандан мамнун.

Ҳудудлардаги марказий деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум пунктларда “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан харид қилинган маҳсулотларни сотиш учун махсус савдо майдончалари ажратилиши тадбиркорларга янада қўлайлик яратмоқда. Бугунги кунда республикадаги 1900 та аҳоли гавжум маҳаллада кичик сизимли музлаткич омборларга эга ана шундай енгил конструкцияли “дала дўконлари” фаолияти йўлга қўйилган. Уларда халқимизга маҳсулотлар арзон нарҳларда — “даладан дўконгача” тамойили асосида етказиб берилляпти. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун кенгаш ҳузуридаги жамғармадан 36,7 миллион сўм маблағ ажратилди.

Томорқада банд бўлганлар иш стажига эга бўлади!

Ҳозирги вақтда томорқа нафақат даромад манбаи, балки ўзини ўзи банд қилишнинг ҳуқуқий асосига ҳам айланди. Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги “Фермер,

Яъни, эндиликда томорқа эгалари энг кам иш ҳақининг бир баробарини тўлаган тақдирда, ўша тўланган давр меҳнат стажига ҳисобланади. Бу тўлов йилига

йўриғини суриштирди. Мутахассис орани қонунчилик тартиби ва талаблари билан таништирди. — Биринчи навбатда, сиз истиқомат қилаётган маҳалла томонидан 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерингиз борлиғи ёки унда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётганингиз бўйича маълумотнома берилди, — деди масъул ходим. — Аввал меҳнат дафтарчангиз юритилмаган бўлса, Бандликни таъминлаш бўйича туман меҳнат бош бошқармаси меҳнат дафтарчаси билан таъминлайди. Шундан сўнг сизга солиқ идораси вакили томонидан ИНН берилди. Энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан икки баробари ортиқ бадалани тўлаганингиздан кейин банк вакили сизга қавтица тақдим этади. Тўланган маблағ онлайн тарзда Пенсия жамғармаси базасида кўринади ва жамғарма вакили сизга шу жойда меҳнат дафтарчасини қонуний асосда тўлдириб беради. Қарабсизки, қисқа вақтда бир йиллик меҳнат стажига эга бўласиз.



деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг 14-бандида “2018 йил 1 июлдан деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёки 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлайётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан сўғурта бадални тўлаган ил меҳнат стажига киритилади”, деб белгилаб қўйилган.

Узини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзларининг берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши тўғрисида бугунга қадар Қомила опа сингари 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Мухими, ана шу имкониятлар асосида кўплаб одамлар томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, деҳқончиликни тадбиркорлик даражасига олиб чиқяпти.

Рақамлар умумлашганда...

Бугунги кунда 4,5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгаси ўз ихтиёридаги 434,7 минг гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Серкўёш ўлкамизда етиштирилаётган картошканинг 84 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 71 фоизи, полиз, узум ва меванинг 55-60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиқ аҳоли хонадонлари ҳисобига тўғри келляпти.

Аҳоли хонадонларида етиштирилаётган маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилда тўқсонбости ва эрта баҳорги экинлардан 4,5 миллион тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, шундан 134 миллион доллар қийматдаги 218 минг тонна маҳсулот хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЯНГИ ТИЗИМ



Анвар ЯХШИЕВ, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт бош мутахассиси, техника фанлари номзоди, доцент

Фискал институт солиқлар ҳамда солиққа тортиш соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Молиявий назорат, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи, шунингдек, иқтисодиётда ахборот технологиялари соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайди.

Ушбу муассаса Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўзини ўзи молиялаштириш шаклидаги давлат олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатади. Қарорга кўра:

солиққа тортиш ва молиявий назорат соҳалари учун бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ИНСОН КАПИТАЛИГА САРМОЯ

кадрлар тайёрлаш борасида хорижий давлатларнинг солиқ органлари ва ўқув муассасалари билан тажриба алмашишни кенгайтириш ҳамда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

бюджет даромадларини шакллантиришда давлат манфаатларини ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлай оладиган кадрларни тарбиялаш; солиқ органлари учун илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган тахлил услублари билан ишлаш қўнимчасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш; солиққа тортиш ҳамда молиявий назорат соҳаларида амалий ва фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш;

малакали кадрлар тайёрлашни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш, таваккалчиликни тахлил қилиш, бизнес-таҳлил технологиялари (Business Intelligence) ва солиқ маъмуриятчилигида илгор ахборот технологияларини (Big Data) қўллаш асосида ташкил этиш;

ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий шакли ва методлари, шу жумладан, педагогик ва ахборот технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренинглари интерфаол ҳамда муаммоли-вазирлиқ услубларни кенг жорий этиш, талаба, тинловчи ва педагог ходимларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш унинг зиммасидаги асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилган.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки таълим шаклида ўқитиш ташкил этилади.

Бунда талабаларга тавсия этилган аби-туриентларнинг ўқиши учун тўлов иш берувчининг ходим (абитуриент) билан келишилган шартномаси асосида амалга оширилади.

Институтга қабул параметрлари, белгиланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрларга бўлган эҳтиёж ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари кесимида тахлил қилиш асосида Давлат солиқ қўмитаси томонидан мустакил белгиланади, хорижий фуқароларни қабул қилиш суҳбат асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт ва солиқ техникумлари фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим йўналиши кундузги таълим шакли бўйича ўқиш давомийлиги 4 йил, сиртки таълим шакли бўйича 5 йил этиб белгиланди. Шунингдек, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети билан ҳамкорликда ҳам 4 йиллик кундузги таълим асосида кадрлар тайёрланади.

Магистратура таълимнинг мuddати мақбуллаштирилиб, магистратура мутахассисликлари кундузги таълим шаклидаги ўқиш 1 йил ҳамда масофавий, сиртки ва кечки таълим бўйича 2 йил этиб белгиланган.

Мухими англиклардан яна бири шундаки, давлат органларининг марказий аппаратида солиқлар ва солиққа тортиш, молиявий назорат ва аудит ҳамда солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи, шунингдек, иқтисодиётда ахборот технологиялари соҳаларида камид 5 йил иш стажига эга раҳбар ходимларни институт магистратурасига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, масофавий, сиртки ва кечки таълим ўқитиш дастурлари бўйича ўқишга қабул қилиш тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, кириш

тест синовларисиз, тўлов-шартнома асосида қабул параметрларидан ташқари амалга оширилади.

Талабаларнинг аъло баҳоларга ўқишларини рағбатлантириш мақсадида институтда бакалавриятни имтиёзли тугатган битирувчилар, истисно тариқасида, магистратурага тест синовларисиз, тўлов-шартнома асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг Давлат солиқ қўмитаси органларида камид 3 йил узлуksиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилиниши тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ижросини амалда таъминлаш мақсадида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг фарзандлари бўлган ҳамда институтга талабаларга тавсия этилган ёшлар учун тўлов-шартномаси ёки субсидия ажратиш орқали молиялаштирилган алоҳида қабул параметрлари белгиланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Солиқ техникумлари битирувчилари, Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги Фарғона, Тошкент ва Бўҳородаги коллежларнинг давлат солиқ хизмати органларида камид икки йиллик иш стажига эга бўлган битирувчилари институтнинг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб қабул қилинади.

Фискал институтга 2020-2022 ўқув йили учун қабул 4 та таълим йўналиши ва иккита таълим шакли (кундузги ва сиртки) бўйича амалга оширилади:

- 1. Солиқ ва солиққа тортиш — 600 та ўрин, 200 та кундузги, 400 та сиртки таълим шакли.
- 2. Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодиёт — 300 та ўрин, 100 та кундузги, 200 та сиртки таълим шакли.
- 3. Рақамли иқтисодиёт — кундузги таълим шакли учун 50 та ўрин, мазкур факультет учун сиртки таълим шакли мавжуд эмас.
- 4. Халқаро солиққа тортиш — (икки дипломга асосланган дастур) — кундузги



2021/2022 ўқув йили учун қабул квоталари

Т/р	Таълим йўналишлари	умумий	кундузги			сиртки		
			жами	ўзб.	рус	жами	ўзб.	рус
1	Солиқлар ва солиққа тортиш	600	200	175	25	400	350	50
2	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	300	100	75	25	200	150	50
3	Рақамли иқтисодиёт	50	50	25	25	0	0	0
4	Халқаро солиққа тортиш	50	50	0	50	0	0	0
Жами		1000	400	275	125	600	500	100

таълим шакли учун 50 ўрин ва фақат рус тилида, ушбу факультет учун сиртки таълим шакли мавжуд эмас.

Кириш тест синовлари иқтисодий таълим блогидаги фанлардан ташкил толади. Мажбурий фанлар жумласига она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари мансуб.

Мутахассислик фанлари блоқи хорижий тил ва математикадан иборат. Таълим кундузги ва сиртки шаклларида, кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Ҳукумат қарорига биноан, институт ректорига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан муайян тадбирларни амалга ошириш муюлати тақдим этилди. Институт истиқболли кундузги таълим битирувчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий ташкилотлари магистратура ва докторантурасида ўқиш қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни ўқиш тугатгандан сўнг институтга камида беш йил узлуksиз ишлаб бериш шартли билан амалга ошириш, иктидорли талабаларга

стипендия ажратиш, ходимларни етакчи хорижий таълим муассасаларига ва бошқа ташкилотларга стажировка ўташ учун юбориш ва бошқалар шулар жумласидан. Хусусан, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети билан ҳамкорликдаги таълимнинг 3-4-босқичлари Москва шаҳрида амалга оширилади.

Замонавий талабаларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари, барча қўлайликларга эга 800 ўринли ётоқхона, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт майдончалари ва халқаро интернет тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари, IT парклар талабалар ихтиёрида бўлади.

Утаётган ҳар бир кунимиз янгиликларга бой. Ҳар жабҳага инновациялар, замонавий технологиялар жадал кириб келляпти. Ана шундай жиҳатлар давлат солиқ ва молия идоралари учун ҳам мустасно эмас. Демакки, соҳа ходимларининг билим ва салоҳияти ҳам шунга мос бўлиши зарур. Инсон капиталига қўйилган сармоя эса бугунги кунда ҳам, истиқболда ҳам доимо ўзини оқлайди.

ИЛМ-ФАН

ГЕОЛОГИЯ: ИСТИҚБОЛ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



— Анварбек Қорахужаевич, бугунги кунда Ўзбекистонда геология соҳаси қандай ривожланмоқда?

— Аввало, геологиянинг ўзи нимани назарда тутишини аниқлаштириб оласан. Бежиз уни иқтисодиётнинг локомотиви, дейишмайди. Таъкидлаш жоизки, геология — бу фақат фойдали қазилма конлари дегани эмас. Масалан, ихтиёрий қурилиш иншоотини олайлик. Бунинг учун нима керак? Албатта гипс, цемент. Ана шу номатдан хомашёлар ҳам геология соҳасига алоқадор. Аслида унинг таъкид объектлари доираси гоят кенг. Бироқ сўнги бир неча ўн йил давомида мамлакатимизда геологияни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмади. Бундан тўрт йил муқаддам геология тармоғида фойдаланиладиган ускуналар 80 фоизгача эскирган, замонавий технологиялар амалда қўлланилмас эди. Ҳатто геология фанининг ўзи ҳам таназзулга юз тулган эди, дейиш мумкин. Лекин, такрор айтман, кейинги пайтларда вазият тубдан ўзгармоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида математика, кимё, биология ва геология фанларини таълим ва фаннинг устувор йўналишлари сифатида комплекс ривожлантириш бўйича бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар кайд этилди. Бундан ташқари, Геология фанлари университети ташкил қилинди.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари “Бир пайтлар Ўзбекистонда геология анча ривожланган, рақобатбардош соҳа эди. Ҳатто бошқалар келиб, юртимиз мутахассисларидан тажриба ўрганиб кетарди. Лекин охириги ўттиз йилда бу соҳа эътибордан четда қолиб кетди. Бор салоҳиятини сақлаб қолмадик. Олимларга йўналиш, рағбат бўлмади. Замонавий кадрлар етишиб чиқмади. Аслида, геологик тадқиқотлар иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари учун керак. Ташхисисиз беморни операция қилиб бўлмаганидек, геологиясиз sanoatни ривожлантириб бўлмайди. Биз бугун шу соҳа ривожига асос бўладиган илм дароғида пойдевор қўймоқдамиз”, деб бежиз таъкидламади.


— Иқтисодий тараққиётимизда бу университетнинг аҳамияти қандай?

— 2020 йил 8 июнда Президентимиз томонидан “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Таълим муассасасининг ўзига хослиги, биринчидан, Давлат геология қўмитасининг илмий-тадқиқот институтлари негизида ташкил этилганидир. Иккинчидан, у кластер

Сўнги йилларда мамлакатимизда геология соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, янги конлар очилди, Геология фанлари университети ташкил этилди, замонавий ускуналар харид қилиниб, инновацион усуллар жорий этилмоқда. Геология-минералогия фанлари доктори, Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг директори Анварбек НУРХУЖАЕВ билан суҳбатимиз шу ва соҳага оид бошқа мавзуларда бўлди.

хусусиятига эга муассаса. Университет геология соҳасида таълим, илмий тадқиқот ва амалиётни интеграция қилишга ихтисослашган ўқув масканидир. Давлат геология қўмитаси ва тоғ-кон sanoati корхоналари учун юқори малакага эга кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисослашган олий ўқув ва илмий тадқиқот муассасасига айланади.

Бугунги кунда университетда 300 дан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Улардан 230 нафари бакалавр, 80 дан зиёди магистрант. Университетда икки факультет фаолият юритмоқда — геология қидирув ҳамда нефть ва газ. Истиқболда яна бир неча: гидрогеология, муҳандислик геология ва экология, шунингдек, геология иқтисодиёти факультетлари очилиши режалаштирилган. Университет икки минг талабани ўқитишга мўлжалланган. Ҳар йили 500 кишидан қабул қилинади. Илм дароғининг яна бир ўзига хос хусусияти, унда Геоинновацион технологиялар



маркази, яъни намуналардан ўта юқори аниқликда маълумот олиш имконини берадиган янги, ўта сезгир ускуналар билан жиҳозланган замонавий таҳлил маркази ташкил этилади. Чунки маълум бир конни очиш учун геолог жойни бориб ўрганади, намуналар олади, сўнг улар таркибини аниқлайдиган таҳлил лабораториясига топширади.

Таълим қисмининг яна бир хусусияти — Давлат геология музейи ҳам университет тарихига ўтказилади. Бу — қўлаб тоғ жинслари намуналаридан фойдаланган ҳолда кадрлар тайёрлашдаги ўзига хос ўқув майдончаси.

Шуни таъкидлашни истардимки, университетда ўқиб Ўзбекистон давлат таълим стандартлари ҳамда Санкт-Петербург тоғ-кон университети ва бошқа илгор хорижий университетларнинг ўқув дастурлари асосида ташкил этилган. Ҳуш, нега айнан Санкт-Петербург университети билан? Чунки мазкур университет соҳа бўйича жаҳондаги юқори мақомга эга қадимий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

— Илмий тадқиқотларни ривожлантириш истиқболлари қандай?

— Бу саволга университетнинг илмий-тадқиқот институтларидан бири бўлган Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти доирасида олиб борилаётган илмий ишлар мисолида жавоб берсам. Институт фойдали қазилма конларининг пайдо бўлиши ва жойлашиш муҳити сифатида Ер литосферасининг таркиби, тузилиши ва эволюциясини кенг қамровли геологик-геофизикавий тадқиқ қилиш, минерал-хомашё ресурсларини кенгайтириш ва фойдали қазилма конларидан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, фойдали қазилма конларини самарали ўзлаштириш бўйича фундаментал ва амалий изланишларга асосланган. Жумладан:

— ер қаърида яширинган руда объектларини прогноз қилиш учун геологик асос бўладиган руда майдонлари геологик тузилишининг ҳажмли, уч ўлчамли моделларини тузиш;

— Ўзбекистонда маъданлашувнинг ноанъанавий турлари ва янги турдаги минерал хомашё ва уларнинг жойлашган жойлари прогнози юртимиз ҳудудидаги катта ҳажмли ноанъанавий олтин конлари ва янги турдаги фойдали қазилмалар, ноёб ер элементлари истиқболларини баҳолаш;

— геологик тадқиқотлар учун инновацион усул ва технологияларни ишлаб чиқиш, геологик-геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва талқин қилиш;

— геологик миқёсда глобал ва минтақавий иқлимга таъсир этувчи табиий омилларни аниқлаш ҳамдир.

Таъкидлаш жоизки, институт ўз фаолияти давомида геологик-геофизик тадқиқотлар доирасидаги энг муҳим муаммоларга ечим толган, юксак илмий салоҳиятга эга бўлган, ҳозир ҳам шундай. Унинг роли ва вазифалари Президентимизнинг юқорида зикр этилган 2020 йил 8 июндаги қарори қабул қилиниши муносабати билан бутунлай бошқача хусусиятга эга бўлди.

Юклатилган вазифаларга мувофиқ, институтда фаннинг ишлаб чиқаришга интеграциялашуви доирасида фундаментал ҳамда амалий хусусиятга эга чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва илмий тадқиқот ишлари тизимли олиб борилмоқда. Хусусан, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ҳамда Давлат геология қўмитасининг таркибий тузилмалари билан илмий-ишлаб чиқариш борасида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

Президентимиз қароридан келиб чиқадиган энг муҳим ва долзарб фаолият йўналишларидан бири фаннинг таълим тизими билан интеграциялашуvidир. Институт ходимлари геология соҳасида юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Университетнинг асосий вазифалари ва йўналишлари:

— геология соҳасининг илмий тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда, юқори малакали ва замонавий фикрловчи олий маълумотли кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

— замонавий таълим дастурлари ва шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш, илмий-педагогик салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

— геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий интеграллашуви учун қўлай шарт-шароит яратиш, шунингдек, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга иқтидорли талабаларни кенг жалб қилиш, уларни самарали рағбатлантириш механизмида жорий этиш;

— Ер қақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тижорийлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмида ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини геология соҳаси амалиётга кенг жорий қилиш.

Институтда фундаментал геологиянинг турли йўналишлари бўйича тажрибали мутахассислар раҳбарлигида илмий тадқиқот билан шуғулланувчи 20 дан зиёда тадқиқотчи учун докторантура муваффақиятли ишлаб турибди.

Ўзбекистонда янги геология тизими яратилмоқда. Уни ривожлантиришдан мақсад — табиий ресурсларни халқимиз манфаатига йўналтириш, иш жойлари ташкил этиб, одамларни бой қилиш.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шунингдек, Геология фанлари университети талабалари ва магистрлари билан университет лабораторияларида маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар ўтказиш орқали ўқув ишлари ҳам йўлга қўйилган. Институтда “устоз-шогирд” аънаси мавжуд бўлиб, унда етарли тажриба ва иш стажига эга илмий ходимлар ёш тадқиқотчиларга раҳбарлик қилади, йўл-йўриқ кўрсатади. Илмий-амалий ва услубий семинарлар ташкил этилганки, уларда асосан ёш олимлар ўз илмий ишланмалари, мақола ва лойиҳаларини муҳокама қилади. Ташкил этилган чет тили ўқув марказида ёшлар чет тилларни зўр иштиёқ билан ўрганмоқда.

Юқорида кайд этилган вазифалар ижросини таъминлашда халқаро ҳамкорлик, шунингдек, стажировка ва малака ошириш тизимида тадқиқотчиларнинг ўзаро тажриба ва кўникалмашиши ҳам муҳим ўрин тутди. Хитой Халқ Республикаси илмий муассасалари билан ҳамкорликда “Хитой маркази” очилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Келишув доирасида ҳар икки томон тадқиқотчилари Тянь-шань тоғларининг геологик тузилиши, тарихи ва шаклланиши бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳудудида жойлашган аниқ манзилларда илмий семинарлар ташкил этилди.

— Соҳада мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бугунги кунда геология соҳасида кадрлар етишмаслиги кузатишмоқда. Бу нима билан боғлиқ? Аввало, касбнинг мураккаблигига боғлиқ. Негаки мутахассислар асосан, қўлда — жазирама кўёш остида ёки баланд тоғли ҳудудларда ишлайди. Табиийки, бундай жойлар оиладан, цивилизациядан узоқда. Бироқ давлатимиз томонидан геологларнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, геологларнинг биргина электр, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган вагонларда чўл ёки тоғли ҳудудларда яшаш имкониятига эга бўлишини олайлик. Илгари бундай эмас эди. Экспедициялар давомида оддий чодирда яшардик. Бундан ташқари, сўнги йилларда замонавий ускуналар (жумладан, бурғилаш машиналари ва лаборатория жиҳозлари)ни харид қилиш кескин ошди, бунинг натижасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, яқинда Қизилқумда олтин ва Олмалиқда янги мис конлари очилди.

Геология соҳаси олдидан турган янги бир муаммо — ёпиқ ҳудудни ўрганиш. Бу нимани назарда тутди? Масалан, Ватанимиз ҳудуди тоғлар ва пасттектониклардан иборат. Тоғ бағирларида қандай элементларни кўрсак, пасттектониклардаги чўкинди қоплама остида ҳам худди шуларни учратимиз мумкин. Бугунги кунда барча конларимиз очик турда. Яъни улар ер юзасида ёки юзага

— Бугунги кунда геологияда қайси усуллардан кўп фойдаланилмоқда?

— Ҳозир дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аэрогеофизик усулни қўллаш фаол ривожланмоқда. Бу усул



ер юзасини масофадан ўрганишни аниқлатади. Яъни геофизик қурилма учувчи аппаратга ўрнатилади (бизда кўпроқ вертолётдан фойдаланилади). Маълум даражада ҳудуд зондланади ва аномал кўринишлар ҳақида олинган ахборотлар маълумотлар базасига келиб тушади. Бундай тадқиқотлар мамлакатимизда икки йилдан буюн олиб борилмоқда. Табиийки, турли геофизик усуллардан ҳам фойдаланилади. Жумладан, нефть

ва газни аниқлашда ҳам. Ҳозир бундай конлар 2.5 дан 5 километрга чўқурликда жойлашган ва уларни аниқлаш жуда қийин. Бироқ геофизик тадқиқотлар асосида ушбу фойдали қазилмалар жойлашиши мумкин бўлган қўлай жойлар ва тузилмаларни топамиз.

Бундан ташқари, магистратура дастури доирасида янги — масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялар йўналиши мавжуд. ГАТ технологиялар — бу атрофимизни ўраб турган объект элементларини харитага тушириш, сўнг кўлаб параметрлар бўйича таҳлил қилиш, айна маълумотлар асосида турли воқеа ва ҳодисаларни визуаллаштириш ва прогноз қилиш имконини беришчи географик ахборот тизимидир. ГАТ тизими барча юзалар акс этган Ерни масофадан зондлаш орқали олинган маълумотларни (сўнги йўлдош тасвирларини) изоҳлашга имкон беради. Сабаби, йўлдошдан олинган тасвирлар рентгеноскопик хусусиятга эга. Уларда чўқурроқ горизонтлар ҳам акс этади ва геолог бу тасвирларни талқин қилиб, аномал участкаларни аниқлайди. Ўзбекистонда ҳам масофадан зондлаш маркази мавжуд ва у Минерал ресурслар институти ҳузурда фаолият кўрсатади. Геология ва геофизика институтида эса “Масофавий геология” лабораторияси мавжуд. У геологиядаги амалий муаммоларни ҳал қилиш учун космик ёки сўнги йўлдош тасвирларини ўрганишга асосланган. Бугунги кунда бу — инновацион технология ва янги усул. Чунки замонавий дунёни космик технологияларсиз ва геология соҳасисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Замонавий геологиянинг муҳим йўналишлари, юқорида таъкидланганидек, геофизик усулларни ривожлантириш, рақобатбардош геолог-геофизик мутахассисларни тайёрлаш ва геофизик маълумотлар асосида илмий лойиҳаларни кенгайтириш ҳисобланади. Геофизик усуллар — Ернинг чуқур тузилиши ҳақида битмас-туганмас маълумот беришчи ягона усуллар. Шу сабабли геофизик касбига бўлган талаб йил сайин ўсиб бораверади.

Уни икки йўналишда ривожлантириш зарур. Булар — нефть ва газ, жумладан, ер ости сувларини ҳамда каттик фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари. Шу нуқтани назардан, ўқув дастурлари, ўқув майдончалари ва техник жиҳозлар талабларга жавоб бериши лозим. Фақат шундагина халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлай оламиз.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, кейинги уч-тўрт йилда геология соҳасини ривожлантиришга оид ўндан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Илгари қийин шароит ва кам ҳақ тўловдан соҳа бўлгани учун ёш мутахассислар бу соҳага кўп келавермас эди. Ҳозир геология соҳасига давлат томонидан етарли даражада молиявий қўмак кўрсатишмоқдаки, бу ўз ҳаётини шу соҳа ривожига бағишлаш истагини билдирган ёшлар сафи кенгайишига сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, соҳага келаётган ёшларнинг кўпчилиги нафақат ишлаб чиқаришда банд бўлиш, балки фан билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлар экани кишини қувонтиради. Масалан, ҳозирги кунда Геология ва геофизика институтида 20 нафар докторант бор. Ҳолбуки, уч йил муқаддам биттаям йўқ эди.

Бошқача айтганда, биз биргина шу мисолнинг ўзида мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган оқилона сиёсатнинг аниқ натижаларини кўришимиз мумкин. Ишончим комилки, яқин йилларда мамлакатимиз геология соҳасида жаҳон миқёсида яна етакчи ўринларга чиқиб олади. Бунинг учун бизда барча асослар мавжуд.

Оксана МАЛОСАБИРОВА
ёзиб олди.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

ИНСОННИЯТНИНГ БОЛАЛИК ҚЎШИҒИ

Ёхўд бахшичилик санъати — ўлмас мерос

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, аини пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Гулчехра САЛОМОВА,
Республика бахшичилик санъати маркази давлат муассасаси
“Устоз-шоғирд” бўлими катта илмий ходими**

Бахшичилик халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунасидир. Унда ҳар бир халқнинг ўтмиши, руҳияти, менталитети, қадриятлари, урф-одат ва анъаналари акс этади. Шу боис, ушбу ноёб санъат мавжуд бўлган барча эларда у номоддий маданий мерос сифатида муҳофаза қилинади, бахши-шоирлар эса юксак қадрланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат туйғусини кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда тобора кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, аини пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”, деган гаплари фикримизга ҳеч қандай изоҳ қолдирмайди.



Халқимизнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шоирларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий тафаккури билан асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Бугунги кун бахши-шоирлари ҳам ўзининг бебаҳо санъатини янада ривожлантириб, келгуси авлодларга етказишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сурхон воҳасида ўз ўрни, сўзи ва ўзига хос ижро услубига эга бўлган Абдиназар бахши Поёнов машҳур бахшилардан бири. Абдиназар бахши 1954 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Хомкюн қишлоғида туғилган. Ёшлигидан бахшичилик санъатига меҳр қўйган боис, дастлаб Хушбоб бахши Мардонқуловдан, сўнгра Чоршанба бахши Раҳматуллаев ва Қодир бахши

ҳам яратиши лозим. Бу эса бахшидан тинимсиз изланишни талаб этади. Бахши изланишдан тўхтаса, яъни билганлари билан қаноатлангудек бўлса, ижод майдонида бесамар тентишдан бошқасига ярамайди. Оқдодий ижрочи айланади қолади”.

Абдиназар бахши йигирмадан ортик дostonни ёддан билади ва ўнлаб дўмбира нагмаларини моҳирлик билан чертади. У таниқли бахшиларнинг шоғирди бўлибгина қолмай, бугунги кунда Ўзбекистон халқ бахсиси Сафар Шайдилов, “Шухрат” медали соҳиби Муҳаммади Эшбоев, шунингдек, Гулбой бахши Мирзаев, Шерали бахши Жумаев каби кўплаб истеъдодли бахшиларнинг устози ҳамдир.

Бобом Абдиназар бахшининг айтишича, илгари улар бу санъатга бугунгидай эътибор бўлишини тасаввур ҳам қилмаган. Шунинг учунми, аксарият одамлар тасаввурда бахшилар дўмбирасини кўтариб, қирда хиргойи қилиб юрадиган, нари борса, қишлоқдошларига унча-мунча дoston айтиб юрадиган бир киши бўлиб туюлган.

Бугун эса уларни махсус ўқитадиган алоҳида синфлар, мактаблар бор. Президентимизнинг ўзи бош бўлиб, бахшичиликка қаратилаётган катта эътибордан англадикки, бахшичилик шунчаки дўмбира чертиб, ёддан дostonни айтиб юриш эмас, аксинча, чуқур ўрганиш керак бўлган катта бир илм экан. Зеро, унда халқимизнинг минг-минг йиллик дарди, оруз-уйлари, қадим тарихи, тили, урф-одати мужассам. Бугун ана шу мактабларда ушбу санъат сирларини, у билан боғлиқ илмларни назарий жиҳатдан пухта ўрганаётган ўғил-қизлар буни чуқур ҳис қиляпти. Чунки бунинг учун ҳамма шариоит бор-да!

Умуман, мустақиллик йилларида бу борада қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, ҳукумат даражасида бир неча ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, “Алломиш” дostonининг минг йиллиги кенг нишонланган, Термизда Алломиш ҳайкали, Самарқанд шаҳрида атоқли

сиёсий шахс эмас, ўғлининг ўй-хаёллари, муаммолари билан астойдил қизиқайтган отани кўргандек бўлдим. Шунинг учун барча тақлифларини эркин айта олдим, деб ўйлайман. Бахшичилик борасидаги муваффақиятларимиз ҳақида ҳам гапирдим. Давлатимиз раҳбари мени диққат билан тинглаётгани, ҳатто самимий кулиб кўйганидан янада жўшиб, хиргойи ҳам қилиб юбордим. Меҳрли табассуми юртимиздаги бахшиларга бўлган самимий муносабат, ҳурмат деб қабул қилдим.

Бобом Абдиназар бахшининг айтишича, илгари улар бу санъатга бугунгидай эътибор бўлишини тасаввур ҳам қилмаган. Шунинг учунми, аксарият одамлар тасаввурда бахшилар дўмбирасини кўтариб, қирда хиргойи қилиб юрадиган, нари борса, қишлоқдошларига унча-мунча дoston айтиб юрадиган бир киши бўлиб туюлган.

Бугун эса уларни махсус ўқитадиган алоҳида синфлар, мактаблар бор. Президентимизнинг ўзи бош бўлиб, бахшичиликка қаратилаётган катта эътибордан англадикки, бахшичилик шунчаки дўмбира чертиб, ёддан дostonни айтиб юриш эмас, аксинча, чуқур ўрганиш керак бўлган катта бир илм экан. Зеро, унда халқимизнинг минг-минг йиллик дарди, оруз-уйлари, қадим тарихи, тили, урф-одати мужассам. Бугун ана шу мактабларда ушбу санъат сирларини, у билан боғлиқ илмларни назарий жиҳатдан пухта ўрганаётган ўғил-қизлар буни чуқур ҳис қиляпти. Чунки бунинг учун ҳамма шариоит бор-да!

Умуман, мустақиллик йилларида бу борада қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, ҳукумат даражасида бир неча ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, “Алломиш” дostonининг минг йиллиги кенг нишонланган, Термизда Алломиш ҳайкали, Самарқанд шаҳрида атоқли

бахшиларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари бунёд этилганини айтиш мумкин. “Ўзбекистон халқ бахсиси” фахрий унвонининг таъсис этилгани бахшичиликнинг нуфузини янада оширди.

Президентимиз ташаббуси билан 2019 йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этганидан, маҳоратли устоз бахшилар ижроларидан илҳом олган бўлсам, бир ой аввал Бўзатовда ўтказилган “Республика ёшлар овози” фестивалида олдимга янги-янги марраларни кўйдим.

Бугун мен “Келажак бунёдкори” медали соҳиби, Ўзбекистон халқ бахсиси Абдиназар Поёновнинг невараси ҳам шоғирди сифатида Президентимизнинг кўллаб-қувватлаши билан бу санъатга бутун вужудим билан меҳр қўя бошладим. Термиз давлат университетининг санъатшунослик факультетида ўқиб баробарида Президентимиз ташаббуси билан иш бошлаган бахшичилик мактабиди ҳам таҳсил оляман. Ҳозирча бу ерда биз, 30 нафар ёш устозлар кўмағида бахшичилик сирларини ўрганапмиз.

Бизга давлатимиз раҳбарининг “Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг бўлғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуслик, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу — инсониятнинг болалик қўшиғидир”, деган гаплари бахшиларга ҳос ички бир шижоат, кучқудрат берди. Ана шу болалик қўшиғини келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказишдек улуғ ишга ҳисса қўшишга илҳомлантирди.

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

“ЯНГИ ҲАЁТ”, “ЧАМАНЗОР”ЛАР — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ёки ҳануз тилга эътиборсизлик ҳақида

**Шерали ТЕМИРОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими
маслаҳатчиси**

Давлат тилини тарғиб қилишда ташқи реклама воситаларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг билан олиб, Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган LED экранлар, билборд ва панноларга “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, “Тил — миллатнинг бош белгиси”, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиргон ойна ҳаёти — бу унинг миллий тили ва адабиётидир”, “Она тили — миллатнинг руҳи, ор-номуси, оруз-умидлари намунасидир” каби шiorлар жойлаштирилди.

Географик объектларни номлаш ҳам бугун эътибор торттадиган масала. Вилоятдаги давлат реестри базасида мавжуд бўлмаган, номлари “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонун талабларига зид ёки номсиз 50 та аҳоли пункти, 9004 та кўча, 14 та маҳалла, 5 та истироҳат боғи, 18 та зиёратгоҳ, 7 та майдон номи тегишли тартибда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси томонидан қўриб чиқилди ҳамда тегишли марказий муассасалардан экспертиза хулосалари олинди. Халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят кенгашлари қарорлари билан тасдиқланиб, давлат реестри базасига киритиш учун юборилди.

Қонун талабларига зид аҳоли пунктлари номи, хусусан, Пайариқ туманидаги Бешкал қишлоғи номи Бешбулоқ, Кампирўлди қишлоғи Машъал, Қўтирқент қишлоғи Янги ҳаёт; Нуробод туманидаги Қўйбоқар қишлоғи Гулобод, Қўшасигир қишлоғи Истиқлол, Жинчи қишлоғи Мустақиллик; Нарпай туманидаги Галақасоб қишлоғи Шодиёна, Жинлар қишлоғи Чаманзор, Бешахса қишлоғи Бинокор; Пастдарғом туманидаги Ярим қишлоғи Қўҳнабулоқ, Ғишт завод қишлоғи Буюк ипак йўли каби замонавий номларга ўзгартирилди.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби давлат тилига муносабат масаласида ҳам жиддий ислоҳот амалга оширилмоқда. Бироқ чет тиллардан кириб келган сўзларнинг қундалик ҳаётимизда еткази ўрин тутаяётгани киши дилини хира қилади. Уқлоғидай ҳарфлар билан дўконлар, емакхоналар пештоқи ёки эшикларда “оптом”, “доставка”, “мы открыли”, “салон красоты”, “открыто”, “ореп”, “скидка” каби ажнабий сўзларга кўзингиз тўшганда беихтиёр асабингиз таранглашади. Бу каби сўз ва ибораларнинг она тилимиздаги “чакана нарҳда”, “биз фаолиятимизни бошладик”, “ғўзаллик салони”, “очиқ”, “чегирма” каби муқобилларини ёзиб қўйиш мумкин-ку? Уларни ўқиб, дилингиз яйраши табиий.

Турмушда учраётган бу каби камчиликларни бартараф этишда амалдаги “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 20-моддасида келтирилган “...лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва

бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин” деган қоидага амал қилинмаган Самарқанд шаҳрида 2145 та, Самарқанд туманида 1465 та, Нуробод туманида 181 та, Ургут туманида 268 та, Пахтачи туманида 3012 та, Нарпай туманида 392 та, Каттақўрғон туманида 856 та, Каттақўрғон шаҳрида 273 та, Иштихон туманида 1378 та, Пастдарғом туманида 245 та, Оқдарё туманида 187 та, Қўшарбот туманида 568 та, Пайариқ туманида 867 та, Булунғур туманида 255 та, Тойлоқ туманида 458 та ва Жомбой туманида 159 та ҳолат аниқланиб, улар тегишли мутасаддилар ҳамда ишчи гуруҳлари томонидан жойида бартараф этилди. Қонунни бузган тадбиркорлик субъектлари билан қонун доирасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларга огоҳлантиришлар берилди.

Шунинг ҳам айтиш керакки, вилоят ҳокимилиги ташаббуси билан “Тil — millat ko'zguisi” номи ахборот-ижтимоий тармоқ ташкил этилиб, унда давлат тилини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бу борада вилоятда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, янги алифбо ва ўзбек тилининг асосий имло қоидалари, давлат тилида иш юритиш билан боғлиқ материаллар, жой номлари ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги маълумотлар мунтаза бериб борилмади.

ХУШҲАБАР



**Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Яқин кунларда Музработ туманидаги “Янги диёр” маҳалласида яшаётган 70 фуқаро, шу жумладан, 60 нафар хотин-қиз мўқим иш ўрнига эга бўлади. Бу ерда бир мартали шприц ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаб арафасида.

Лойиҳа ташаббускори шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Ҳасан Панжиев. У “Алломиш сервис инвест” хусусий корхонасининг 500 минг долларлик сармояси ҳамда “Микрокредитбанк” Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 3 миллион 500 минг доллар кредит ҳисобига Сурхондарё ва қўшни Қашқадарё вилоятларида ягона бўлган шу корхонани ташкил этишга қўл урди.

Қурувчилар завод биносини тўлиқ қуриб битказди. Бундан ташқари, Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатиб бўлинди. — Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги нишонланган сангагина корхонани ишга туширишни ният қилиб турибмиз. Йилга цехларимизда бир марта фойдаланиладиган 200 миллион дон шприц тайёрланади, — дейди корхона иш бошқарувчиси Сироҳиддин Қўрбонов. — Хитойлик

мутахассислар етиб келиши билан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришамиз. Бу ерда ишлайдиганларнинг асосий қисми хотин-қизлар бўлади. Айни пайтда завод ҳудудида ишчилар учун ошона, ётоқхона ҳозирланпти, уларни ўқитиш ҳамда ишга тайёрлаш чоралари ҳам қўриляпти. “Алломиш сервис инвест” ЖК мутасаддиларининг айтишича, келгусида корхонада қиймати 38,2 миллиард сўмлик тиббиёт қўлқоплари тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилади ва яна 150 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, қўшимча 120 кишини иш билан таъминлаш имконини берадиган, лойиҳа қиймати 52 миллиард 380 миллион сўмлик инфузион система ва эритмалар, тиббиётда ишлатиладиган суякқиллар ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.